

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 9-сон**



**Бош муҳаррир:** Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

**Масъул муҳаррир:** Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

**Масъул муҳаррир ўринбосари:** Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

### **ТАҲРИРҲАЙЪАТИ**

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д., М.Рахматуллаев.

**Кимё фанлари:** акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари:** акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

**Техника фанлари:** - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари:** – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари:** – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д., проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари:** – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

**Фалсафа фанлари:** – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари:** – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова, фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н., доц.М. Сулаймонов.

**География фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

**Педагогика фанлари:** - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

**Тиббиёт фанлари:** – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари** – п.ф.д., проф. З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

**Техник муҳаррирлар:** [Н.Юсупов](#).

**Таҳририят манзили:** Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

**Тел:** (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** [ilmiy@inbox.uz](mailto:ilmiy@inbox.uz)

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида халқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 14.09.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (**Баённома № 9**). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021**



## ФОЛЬКЛОРДА ЭПИК КЎМАКЧИ ОБРАЗИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎРНИ

Ахмедова Сарвиноз Ҳикматовна  
Бухоро давлат университети  
таянч докторант  
email: [sarvi5335@gmail.com](mailto:sarvi5335@gmail.com)

*Аннотация:* Мазкур мақолада фольклорда эпик кўмакчи образининг моҳияти ва ўрни инглиз ва ўзбек халқ эртаклари мисолида таҳлил қилинган.

*Калит сўзлар:* фольклор, эртак, мотив, қаҳрамонлар, образ, бош қаҳрамон, эпик кўмакчи.

## СУЩНОСТЬ И РОЛЬ ОБРАЗА ЭПИЧЕСКОГО ПОМОЩНИКА В ФОЛЬКЛОРЕ

Ахмедова Сарвиноз Ҳикматовна  
Бухарского государственного университета  
Базовый докторант  
email: [sarvi5335@gmail.com](mailto:sarvi5335@gmail.com)

*Аннотация:* В статье анализируется сущность и роль образа эпического помощника в фольклоре на примере английских и узбекских народных сказок.

*Ключевые слова:* фольклор, сказка, мотив, герои, образ, главный герой, эпический помощник.

## THE ESSENCE AND ROLE OF THE IMAGE OF EPIC HELPER IN FOLKLORE

Akhmedova Sarvinoz Hikmatovna  
Bukhara State University  
PhD Student  
email: [sarvi5335@gmail.com](mailto:sarvi5335@gmail.com)

*Annotation:* This article analyzes the essence and role of the image of epic helper in folklore with the examples of English and Uzbek folk tales.

*Keywords:* folklore, fairytale, motif, heroes, image, protagonist, epic helper.

Халқ асарларида асар мазмуни ундаги қаҳрамонларнинг бир-бири билан муносабати асосида очилиб боради. Образ ва қаҳрамонлар тизими асар бадий қурилишининг муҳим қисми бўлиб, у асар ғоясига мувофиқ таркибланади.

Қаҳрамонлар тизими дейилганда, хусусан, асарда ҳаракатланувчи етакчи образларнинг жами тушунилади. Лекин фольклорда бундай қаҳрамонлар жониворлар ҳам бўлиши мумкин.

Фольклор қаҳрамонлари асар воқелигида эгаллаган мавқеи, сюжет ривожда ўйнаган роли, айтувчи бадий концепциясини ифодалашдаги аҳамияти каби жиҳатларга кўра бир-биридан фарқланади. Шу томонлама, одатда, қаҳрамонлар бош ва иккинчи даражали, яъни ёрдамчи (кўмакчи) қаҳрамонларга ажратилади.

Дунёдаги барча халқларнинг эртак ва дoston сюжетини ташкил қилган воқеликларнинг, асосан, эзулик ғалабаси, ёвузлик устидан тантанаси кўринишида



яхшилик билан яқунланиши маълум. Бундай бўлишида эса кўпинча эпик қаҳрамонга кутилмаганда ғойибдан ёки олдиндан бирор жонзотгами ё кишигами ёрдам бериб, уни нимадандир қутқариб қолганлиги, ёрдам кўрсатгани учун шу эзгу амали эвазига жавоб тариқасида илоҳий, ғайритабиий тарзда кўмак етказилиши мотиви алоҳида эътиборни тортади. Албатта, бу мотив асосида эпик кўмакчи образи туради. Қизиги шундаки, эпик кўмакчилар инсон (антроморф), ҳайвон (зооморф), қуш (орнитоморф) ва ҳатто мифологик кўринишларда талқин қилинади. Бу билан дунёдаги барча мавжудотларнинг яхшиликка интилиб яшаши, ёмонлик билан мақсадга эришиб бўлмаслиги, унинг ҳеч кимга ҳеч қачон бахт келтирмаслиги, муқаррар ҳалокатга маҳкумлиги кўрсатиб берилади.

Бундай талқинлар беихтиёр тингловчи диққатини бош қаҳрамон ҳамда унга ёрдамчи бўлиб келган кўмакчи қаҳрамонларга тортади. Шу аснода асардаги образларнинг яхлит тизими ҳақида тасаввур уйғонади.

Эпик қаҳрамонларнинг ўзи яна иккига бўлиниши англашилади. Булар: а) бош қаҳрамонлар;

б) кўмакчи қаҳрамонлардир.

Бош қаҳрамон деганда, асар сюжетида, айтувчи бадиий концепциясини ифодалашда етакчи аҳамият касб этувчи персонажлар тушунилади. Иккинчи даражали кўмакчи қаҳрамонлар эса бош қаҳрамоннинг теграсида ҳаракатланиб, сюжет ривожини ва бадиий концепциянинг ифодаланишида маълум роль ўйнайди. Улар кўпроқ бош қаҳрамон характерини очишга, у ҳаракатланаётган муҳитнинг хусусиятларини, унинг тақдирини кўрсатишга хизмат қилувчи восита сифатида намоён бўлади.

Бош қаҳрамоннинг куч ва имкониятлари, билим ва иқтидори, матонати, аввало, ўзи, кейин эса эпик кўмакчилар орқали намоён бўлади. Бунда эпик кўмакчи қаҳрамоннинг ана шу салоҳият белгиларини юзага чиқаришда воситачи бўлиб хизмат қилади.

Сир эмаски, эртак ва дostonлар сюжети билан танишаётганда, хоҳлаймизми ё йўқми, кўпинча асосий эътибор бош қаҳрамонга қаратилади-ю, унга ёрдам бериб, мақсад-орзулари рўёбга чиқишида мададкор ва сабабчи бўлган образ ва персонажлар сал назардан четга чиқиб қолади. Натижада улар иккинчи даражали қаҳрамонларга айланишади. Бунга барча халқлар эртакларида учрайдиган инсон, ҳайвон, қуш ёки бошқа кўринишларга эга бўлган, асар бош қаҳрамонига зарур пайтда катта ёрдам кўрсатиб, унинг мақсади ушалишига беқиёс ҳисса қўшган образларни мисол қилиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, “эпик кўмакчи қаҳрамон” терминини қўллаш мумкин. Аммо ўзбек фольклоршуноси Жаббор Эшонқулов таъкидлаганидек: “Кўмакчи қаҳрамон” деган терминининг қўлланилиши бироз баҳсталабдек туюлади, албатта. Бироқ, халқ оғзаки ижодида: хоҳ у эртак бўлсин, хоҳ у дoston асосий қаҳрамоннинг яқин йўлдоши, ҳамроҳи, унинг ишларига, кўрсатган қаҳрамонликларига қайсидир даражада шерик бўладиган қатор персонажлар борки, бу тип қаҳрамонлар алоҳида ном билан аталишни тақазо қилади [1].

Бизнингча, “кўмакчи қаҳрамон”лар, одатда, ғайритабиий феъл-атвори, кўриниши, характер-хусусиятлари билан ажралиб туриши ҳамда улар кўпинча халқ эпик асарларида келтирилиши нуқтаи назардан “эпик” сифатловчисини ҳам





қўллаган ҳолда янада аниқлаштириб “эпик кўмакчи қаҳрамон” атамасини қўллаш маъқулдир.

Эпик ижод намуналарида алоҳида тизимни ҳосил қилувчи бу қаҳрамонлар ўзига хос типик хусусиятларга, бадиий-эстетик вазифаларга эга бўлиб, уларни қуйидагилар орқали белгилаб кўрсатиш мумкин:

1. Сюжети романтик мазмунга, сеҳр-жоду, фантастикага асосланган эпик ижод (афсона, эртақ, досион каби) намуналарда ўзига хос ўрин тутади.

2. Бош қаҳрамон атрофида ҳаракатланади ва унинг хоҳиш-иродасига бўйсунди.

3. Бош қаҳрамон атрофидаги бошқа образлар билан боғлиқликда тасвирланади.

4. Сюжет воқеа-ҳодисалари ҳалқасини бирлаштиришга хизмат кўрсатади.

5. У орқали ёрдамлашиш, кўмаклашиш воситасида қаҳрамоннинг мушқулини осон қилиш, уни қийин вазиятлардан олиб чиқиш, зарур маслаҳат ва йўл-йўриқларни бериш, ҳатто ғаройиб предметларни тортиқ қилиш сингари муносабатларга асосланган мустақил эпик мотивлар шакллантирилади.

6. Бош қаҳрамонга эпик рақибларини (Ялмоғиз, дев, махлук, аждарҳо ва ҳоказо каби) енгилга кўмаклашади.

Умуман айтганда, “эпик кўмакчи қаҳрамон” деганда, халқ асарларидаги бош қаҳрамонларни ҳар қандай шароитда, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, унга ёрдам берувчи ғайритабиий куч-қудратга эга эпик ҳомий тимсоли тушунилади. Бундай эпик кўмакчилар халқ асарларида муайян тизимни ташкил этади.

Маълумки, кўпинча сеҳрли-фантастик эртақларда ва романик дostonларда асосий (бош) қаҳрамоннинг ўзи эмас, аксинча, унинг қўлидаги нарсалар, ёнидаги жониворлар сирли ва ғаройиб кучга эга бўлиб, қаҳрамонга ҳомийлик кўрсатади, уни қўллаб-қувватлайди. Шундан фольклор асарларида бош қаҳрамонга қараганда кўмакчи қаҳрамоннинг ўрни ва роли бўртиб туради. Шулар асосида бош ва кўмакчи қаҳрамоннинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади.

Инглизларнинг “Nix Nought, Nothing” (“Ҳеч ким, Ҳеч нарса”) эртагида бош қаҳрамонга у севган дев қиз ҳамда ўрмонда яшовчи жониворлар, осмондаги қушлару денгиздаги балиқлар кўмаклашади[2]. Шу тарзда эртақда антроморф ва зооморф кўринишдаги эпик кўмакчилар намоён бўлади.

Номи зикр этилган эртақ дунё халқлари эртақларига хос фарзандсизлик мотиви билан бошланган. Унда айгилишича, бир қирол ва қироличанинг узоқ йиллар фарзанди бўлмабди. Қиролича ниҳоят ўғил фарзанд кўрганида, қирол узоқ юртларга сафарга кетибди.

Онанинг кўзи ёригунига қадар отанинг сафарда бўлиши Шарку Ғарб эртақларига хос муштарак эпик мотивлардан биридир. Хуллас, отаси сафарда бўлган вақтда дунёга келган эпик қаҳрамон – шахзодани қиролича она то қирол падар қайтиб келмагунича чўқинтирмасликка қарор қилади ва болани вақтинча Ҳеч ким Ҳеч нарса деб атай бошлайди. Қирол эса уйига қайтаётганида йўлидан катта дарё чиқибди ҳамда унинг бегиде бир дев пайдо бўлибди. Дев дарёдан ўтказиб қўйгани эвазига Ҳеч ким, Ҳеч нарсани сўрайди. Қирол рози бўлади, бироқ у ўз ўғли эканлигини билгач, дев сезмайди, деб ўйлаб, хизматкорларнинг ўғилларини бериб юборади.

Эртақда субтсизликнинг, ваъдага хиёнатнинг ёмон оқибатларга олиб келиши шартлашиш эпик мотиви орқали бадиий ифода этилган. Бундан эртақ сюжетига эпик



кўмакчи қаҳрамон образи кириб келишида шарт мотивининг ўзига хос ўрни борлиги англашилади. Таъкидлаш жозки, эпик кўмакчи сюжетга келиб қўшилишининг ўз мавриди ва ўрни бор. Кўпинча унинг эпик қаҳрамон қийин вазиятга тушиб қолганида сюжетда фаоллашиши кузатилади. Шоҳ ўғли мушкул аҳволда қолган бир пайтда, рақиб девнинг қизи унга ёрдамга келади.

Қайси халқ бўлмасин, барчага хос эпик анъанада кўмакчи қаҳрамоннинг ё ғайриоддий хислату кўринишга эгалити, ё нореал олам вакили эканлиги кўрсатилади. Шу жиҳатдан қараганда, шаҳзодага кўмак берган кўмакчи қаҳрамон—дев қизнинг ҳам шу эпик қоидага мувофиқ тасвирланганлиги равшанлашади. Биринчидан, у оддий инсон эмас, нореал олам вакили бўлмиш девлар зотидан. Иккинчидан, у борлиқдаги барча жонзотларнинг тилини билади. Шунинг учун унинг буйруғи туфайли ўрмондаги барча ҳайвонлару осмондаги жами қушлар, денгиздаги ҳамма балиқлар йиғитга кўмакдош бўлишади. Учинчидан, девқиз турли сеҳрли предметлар эгаси бўлиб, улар орқали ҳам йиғитни ёвдан ҳимоялайди. Жумладан, у йиғит билан бирга девдан қочиб кетаётганида узун сочларини дарров йиғиштириб, сеҳрли термосини олиб, орқадан етай деб қолган дев олдида сочидаги сеҳрли тароғини ташлаёттиради. Шу заҳоти ерда катта тўсиқлар пайдо бўлади. Дев улардан ўтиб олиб, қиз ва йиғитга яна етай деганда, қиз сочидаги тўғноғини ерга ташлашни сўрайди. Бу гал улкан тиканлар пайдо бўлиб, улардан ҳам дев ўтиб олибди. Энди қиз сеҳрли шишасидаги сувни ерга тўкибди. Шу заҳоти дарё ва баланд тўлқинлар пайдо бўлиб, девни чўктириб, ҳалок этади.

Аён бўладиги, кўмакчи қаҳрамон бош қаҳрамонни бир марта эмас, бир неча марта турли балолардан асраб қолиши мумкин экан. Шунингдек, ножинс бўлишса-да, айрим ҳолатларда улар ўзаро севишиб оила қуриши, бахт-саодатга эришиши мумкинлиги ҳам акс эттирилган. Бунга айнан таҳлилдаги эртагимиз сюжети далил бўла олади.

“Childe Rowland” ва “Jack the Giant killer” эртақларида бош қаҳрамон сеҳрли қилич ёрдамида девлар билан курашиб, уларни енгади. Инглиз халқ эртақларида учрайдиган сеҳрли предметлар орасида энг машҳури қилич ҳисобланади[5]. Айниқса, қирол Артур номи билан боғлиқ эртақ ва афсоналар марказида қилич образи туради. Инглиз эртақларида парилар ҳам кўмакчи образ бўлиб, қўлидаги сеҳрли таёқ ёрдамида мўъжизалар яратади[4].

“Ботир” номли ўзбек халқ эртагида бош қаҳрамон туя, дев, қатик, тухум ва хум ёрдамида ўз мақсадига эришади ва ўлимдан омон қолади[6]. Демак, кўмакчи образ ҳар хил кўринишда намоён бўлиши мумкин: инсон, ҳайвон, парранда, қуш, бирор ғайритабиий мавжудот, мифологик образ, жисм ва ҳ.к. Масалан, “Чол билан кампир” эртагида супра, газ, товоқ, қовоқ каби сеҳрли предметлар чолга елкадош бўлади. Аввалига, ёлғончи дўстининг таъзирини беришда қовоқ ёрдамчи бўлса, подшоҳни қойил қолдиришда уларнинг барчаси кўмакчи бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, эпик кўмакчи образини чуқурроқ таҳлил этадиган бўлсак, унда миллийлик ифодасини кўриш мумкин. Шу эртақда чол “Очил, супрам!” деганда супрада ноз-неъматлар пайдо бўлиши, “Пишди палов” деганда товоқ тўла ош пишшиши ва чол уларни баҳам кўриб, меҳмонларга улашиши ўзбек халқининг меҳмодўстлиги, очиққўнгилигидан дарак бериб туса, “Газла, газим!” деганда шойи, атлас газланиши ва чол улардан кўрпачалар солиб, подшони ўтқазиши миллий матоларимиз мавқеини



кўрсатади. Ёки, чолнинг ҳар бир от бошига шойилардан тўрва қилиб, уларга ем солиши халқимизнинг танглигига ишора беради.

Хулоса қилиб айтганда, исталган халқ фольклорида эпик кўмакчи образи кузатилади ва бу образлар фольклорда ўз ўрни ва моҳиятига эга.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Эшонқул Жаббор. Эпик ижодда кўмакчи қахрамон масаласи. Эпик тафаккур тадрижи. – Т.: Фан, 2006.-Б.18.
2. Joseph Jacobs. English Fairy Tales and More English Fairy Tales. Edited by Donald Haase. – Oxford, England. 1911
3. Akhmedova, S. H. (2020). Analysis of general characteristics of the most studied fairy tale genre in English and Uzbek folklore. Theoretical & Applied Science, (6), 134-136.
4. Umurova X. Semantical Features Of Folklore Samples //Solid State Technology. – 2020. – Т. 63. – №. 4. – С. 5207-5212.
5. Djumayeva N. D. Specific features of magic musical instruments in English and Uzbek folklore //Теория и практика современной науки. – 2018. – №. 4. – С. 21-24.
6. Сунбул билан гул. Ўзбек халқ эртақлари. Тўпловчи С.Аввалбоев. Тошкент: 2018

#### **К ВОПРОСУ ОБ АДЕКВАТНОСТИ ПЕРЕВОДА РЕЛИГИОЗНОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ В «БАБУРНАМЕ»**

Алтмишева Ё.М.

Андижанский государственный университет

*Аннотация:* В статье рассмотрены некоторые проблемы адекватности перевода на русский язык религиозной терминологии в сочинении Бабура «Бабурнаме». Основное внимание уделено разбору встречающихся ошибок, неточностей и других погрешностей, которые в совокупности представляют собой образцы неадекватного перевода реалий ислама.

*Ключевые слова:* религиозная терминология, субъективный вклад переводчика, Куръан, контент.

#### **«БОБУРНОМА»ДА ДИНИЙ АТАМАЛАР ТАРЖИМАСИ АДЕКВАТЛИГИ МАСАЛАСИ ҲАҚИДА**

*Аннотация:* Мақолада диний атамаларнинг Бобурнинг «Бобурнома» асарининг рус тилига таржимасида адекватликнинг айрим муаммолари кўриб чиқилган. Асосий эътибор ислом динига тааллуқли атамалар таржимасида ноадекват таржима наъмунаси бўлган йўл қўйилган хатоликлар, ноаниқликлар ва бошқа камчиликларга қаратилган.

*Калит сўзлар:* диний атамалар, таржимоннинг субъектив ёндошуви, Куръон, контент.



55	<b>Farida afro'z poetik asarlarida omonimlardan foydalanishning o'ziga xosligi</b> Mamajonov A.B, Xusanova M.A .....	297
56	<b>Матни ташкил этувчи бирликлар</b> Shodiyev I .....	301
57	<b>Argo lingvistik hodisa sifatida</b> Rahimova Z.Sh .....	304
58	<b>Фольклорда эпик кўмакчи образининг моҳияти ва ўрни</b> Ахмедова С.Ҳ .....	310
59	<b>К вопросу об адекватности перевода религиозной терминологии в «Бабурнаме»</b> Алтамишева Ё.М.....	314
60	<b>Адабий меъёр ва бадий нутқ</b> Умурқулов Б .....	321
61	<b>Муқимиyнинг “Surating” g'azali matni ustida ishlash</b> Abdurahmonova B .....	326
62	<b>Odil Yoqubov romanlarida qahramon nutqi (Monolog) ichki dunyo ifodasi o`rnida</b> Ergasheva D. A .....	332
63	<b>Соф қиёс ифодаланишининг синтактик имкониятлари</b> Умурқулов З. Б .....	337
64	<b>Эпонимлар шаклланиши ва ўзига хос хусусиятлари</b> Зиёдуллаев А.Р .....	343
65	<b>“Ota Gориo” романида тарихий ҳақиқат ва адабий таҳлил</b> Тоирова Д.Ф .....	349
66	<b>Қутадғу Билиг” асарида эр ва эран образи такомил қамда комиллик талқини</b> Жўрақулова Н.Ш .....	359
67	<b>Тони моррисон ижодида мистиканинг акс этиши</b> Муҳаммедова Н.Э .....	363
68	<b>Аҳмад Яссавий ижодида маломатийлик маслаги ва талқинлари</b> Саидова Р .....	367
69	<b>Аҳли Фано ва фақр муршиди</b> Раҳмонова З .....	371
70	<b>Rus tilida kompyuter leksikada boshqa tillardan kelgan so'zlarni derivatsion potensiali</b> Sirazetdinova L.A .....	376
71	<b>Jurnalistika funksiyalariga doir masalalar xususida</b> Madolimov H.Sh .....	379
72	<b>Адибалар насри тадрижи инглиз адабиёти мисолида</b> Муҳаммедова Х.Э .....	385
73	<b>Innovation culture and some challenges</b> Niyozova Y.T .....	390